ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ НАШРЛАР БАЗАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ



doi 10.34920/2181-8207/2023/3-076



Абдулазиз Абдувалиев,
иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ходим
Инновацион ривожланиш вазирлиги «Илмий-техник ахборот маркази»

Annotation: The article analyzes the measures taken in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On approval of the Strategy for Innovative Development of the Republic of Uzbekistan for 2022-2026» dated July 6, 2022 as part of an increase in the number of scientific and technical publications (in the Web of Science database).

These analyzes are based on the implementation of the joint work of the Center for Scientific and Technical Information under the Agency for Innovative Development and the international databases of the Clarivate and Springer Nature companies. The analysis carried out includes the number of publications of scientists of Uzbekistan in the international databases «Web of Science», the analysis of scientific areas with the largest number of publications of articles and the largest number of published articles with the participation of foreign colleagues.

Аннотация: В статье анализированы меры принятые в Постановлении Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы» от 6 июля 2022 г. в рамках увеличения количества научно технических публикации (в базе данных Web of Science).

Данные анализы основаны на реализации совместных работ Центра научно-технической информации при Агентстве инновационного развития и международными базами данных компании «Clarivate» и «Springer Nature». Проведенный анализ включает, количество публикации ученных Узбекистана в международных базах данных «Web of Science», анализ научных направлении с наибольшим количеством публикации статей и наибольше количество опубликованных статей с участием зарубежных коллег.

Аннотация: Мақолада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармони билан белгиланган, илмий техник нашрлардаги (Web of Science маълумотлар базасида) мақолалар сонини ошириш мақсадли кўрсаткичларига эришиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлили келтирилган.

Мазкур таҳлиллар, Ўзбекистонда «Clarivate» ва «Springer Nature» халқаро илмий нашр базалари ва Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази билан ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон муаллифлари томонидан «Web of Science» халқаро базасида чоп этилган илмий мақолалар сони, энг кўп илмий мақолалар чоп этилган илм-фан йўналишлари ҳамда хорижий ҳамкорликда энг кўп чоп этилган илмий мақолалар сони таҳлили амалга оширилган.

Бугунги кескин рақобат шароитида иқтисодиётда устувор йўналишлар ривожини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи тизим ишини самарали ташкил қилиш энг асосий вазифа ҳисобланади[1].

Ўзбекистонда олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу, мамлакатнинг илм ҳамжамиятида халқаро илмий нашрлар базаларидан фойдаланиш имкониятининг яратилганлигидир. Зеро, амалга оширилган илмий тадқиқот натижа-

1 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.: 2022. Б.227.


лари бўйича жаҳон илм ҳамжамиятида эътирофга эришишнинг асосий йўлларидан бири бу, илмий натижалар, илмий мақолалар, ҳисоботлар шаклида нуфузли илмий журналларда, монография ва тўпламларнинг дунёга танилган нашриётларда чоп этилиши ҳисобланади. Демак, ташкилотларнинг долзарб илмий ва таълим ахборотлари билан таъминланиши жамият ривожланишининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади[2].

Ушбу борада мамлакат олимлари, тадқиқотчилари, докторант ва мустақил изланувчилари дунёга танилган илмий журналлар ва нашриётларда тадқиқот натижаларини чоп эттишларига кенг имкониятлар яратилишида сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармонининг 2-иловасидаги мақсадли кўрсаткичларда илмий-техник нашрлардаги (Web of Science маълумотлар базасида) мақолалар сонини ошириш кўрсаткичлари белгиланган (1-расм).

Илмий-техник нашрларда мақолалар сонини ошириш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва тизимидаги Жаҳон Банки «Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш» («MUNIS») лойиҳаси томонида жорий йилда халқаро илмий нашрлар ва нашриёт базалари, «Clarivate» ва «Springer Nature» компаниялари билан миллий обунаси ташкил этилди. Миллий обунада мазкур базаларнинг ресурслари мамлакатдаги барча Олий таълим ташкилотлари (ОТМ) ва Илмий тадқиқот ташкилотлари (ИТМ)ларга бепул ва эркин фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Халқаро нашрлар бўйича ташкил этилган миллий обунадан фойдаланиш имкониятларини тизимли ташкил этиш, айниқса, фойдаланувчилар қаторига ёш олим ва тадқиқотчиларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ вазифалар Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузуридаги Илмий техник ахборот маркази (кейинги ўринларда Марказ) томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



1-расм. ПФ-165-сон Фармонида илмий техник нашрларда (Web of Science маълумотлар базасида) мақолалар сонини ошириш мақсадли кўрсаткичлари[3]

Марказда мазкур фаолиятнинг асосини 2022 йил 16 февралдаги Инновацион ривожланиш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги №41-сонли буйруғи асосида Марказ тузилмасида «Илмметрия сектори» фаолиятининг ташкил этилиши билан боғланади.

Ўзбекистонда илмметрия асосларини шакллантириш, тизимли ишларни амалга ошириш, илм ҳамжамияти томонидан жаҳонда тан олинган ва нуфузли илмий журналларда илмий мақолаларнинг чоп этилишига кўмаклашиш борасида Марказнинг Илмметрия сектори томонидан бугунги кунга қадар қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Сан-Франциscонинг (АҚШ) илмий тадқиқотларни баҳолаш бўйича (DORA) ташкилоти билан аъзоликка эришилди.

Жорий йилнинг 13 январида Марказ расман Сан-Франциscонинг (АҚШ) илмий тадқиқотларни баҳолаш бўйича (DORA) бошқарув қўмитасининг аъзолигига қабул қилинди.

DORA бутун дунё бўйлаб интизомлараро ташаббус бўлиб, илмий тадқиқот натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди ва институтлар, тадқиқотчилар, молиячилар, ноширлар ва бошқа асосий манфаатдор томонларни илғор тажрибани ишлаб чиқиш ва тарғиб қи-

DORA бутун дунё бўйлаб интизомлараро ташаббус бўлиб, илмий тадқиқот натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди ва институтлар, тадқиқотчилар, молиячилар, ноширлар ва бошқа асосий манфаатдор томонларни илғор тажрибани ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга ундайди

2 Рахматуллаев М.А. Мировые информационные ресурсы. (Методическое пособие). Т.: «Fan va texnologiya». 2017. С.6.

3 Муаллиф ишланмаси.

лишга ундайди.

2022 йилда DORA декларациясини 159 давлатдан 2232 та ташкилотлар имзолаган, улар жумласида, университетлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари, илмий жамиятлар, шунингдек, 22 315 нафар жисмоний шахслар.

Scientific Library of Uzbekistan (slib.uz) илмий журналлар ва Ўзбекистон муаллифлари мақолаларининг кенг маълумотлар базасини ўз ичига олган электрон кутубхона сайтига мунтазам равишда маҳаллий илмий журналларни жойлаштиришга кўмаклашилади

2. Scientific Library of Uzbekistan (slib.uz) электрон кутубхонасига илмий журналларни киритиш ва рўйхатдан ўтказиш.

Scientific Library of Uzbekistan (slib.uz) илмий журналлар ва Ўзбекистон муаллифлари мақолаларининг кенг маълумотлар базасини ўз ичига олган электрон кутубхона сайтига мунтазам равишда маҳаллий илмий журналларни жойлаштиришга кўмаклашилади. Хусусан, таҳлил даврида Марказ томонидан жами 196 та маҳаллий илмий журналлар slib.uz платформасига жойлаштирилган ва рўйхатдан ўтказилган.

3. Олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотлари учун Scientometric Framework қўлланмасини ишлаб чиқиш.

Маҳаллий олим-тадқиқотчиларнинг ноширлик фаолиятини ўрганиш ҳамда мамлакатимизда илмметрия асосларини ривожлантириш мақсадида Жаҳон Банкининг «Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш» («MUNIS») лойиҳаси доирасида Россиянинг Биринчи Президенти Б.Н.Ельцин номидаги Урал Федерал университетининг «Илмметрия лабораторияси» мудири М.А.Акоев мустақил эксперт сифатида жалб этилди.

«Clarivate» компанияси. Ўзбекистон Республикасида миллий обуна доирасида 2023 йилдан бошлаб 3 йил давомида «Clarivate» компанияси «Web of Science» халқаро маълумотлар базасидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи барча ОТМ ва ИТМларга тақдим этилди

Мазкур лойиҳа доирасида М.А.Акоев томонидан «Ўзбекистон Республикасининг олий таълим (ОТМ) ва илмий тадқиқот муассасалари (ИТМ) учун Scientometric Framework амалиёти» мавзусида тадқиқот амалга оширилди. Бунда, республика ОТМ ва ИТМларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси таркибидаги ИТМларда олимлар билан интервью-суҳбатлар ва сўровлар амалга оширилди ҳамда хорижий нуфузли журналларда ноширлик фаолиятлари таҳлил қилинди.

М.А.Акоев тадқиқотлари доирасида «Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари учун Scientometric Framework замонавий илмий тадқиқот фаолиятининг амалиёти» мавзусида бир нечта илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Тадбирда ОТМларнинг илм-фан ва инновациялар бўйича проректорлари ва илмий бўлим ходимлари фаол иштирок этишди.

4. Халқаро илмий нашрлар базалари билан амалга оширилган чора-тадбирлар.

4.1 «Clarivate» компанияси. Ўзбекистон Республикасида миллий обуна доирасида 2023 йилдан бошлаб 3 йил давомида «Clarivate» компанияси «Web of Science» халқаро маълумотлар базасидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи барча ОТМ ва ИТМларга тақдим этилди.

Ташкил этилган обунанинг кўламини кенгайтириш, ундан фойдаланишга ёш олимларни кенг жалб этиш ва уларнинг сонини янада кўпайтириш мақсадида жорий йилнинг 7-8-феврал кунлари «Clarivate» томонидан Марказнинг кўмаги асосида «Web of science»га Ўзбекистон Миллий обунасини ташкил этиш» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди ва унинг якуни бўйича 183 нафар ОТМ ва ИТМларнинг масъул ходимлари «Web of science» платформаси администраторлари сертификатлар билан тақдирландилар.

Умумий ҳисобда, жорий йил бошидан «Web of Science» илмий маълумотлар базасидан фойдаланиш бўйича ОТМ ва ИТМлар учун 165 та вебинар ва семинар-тренинглар ташкил этилди ва мазкур тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилиши режалаштирилган. Уларнинг айримлари офлайн тарзда ҳам амалга оширилмоқда, хусусан, жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари компаниянинг консультанти И.Тихонкова «Web of science халқаро базасида ОТМ ва ИТМларининг мавжуд параллел профилларини бирлаштириш», «Web of science журналларини танлаш мезонлари ва тартиби ҳамда нашрлар сифатини ошириш бўйича тавсиялар» ва «Халқаро журналларда нашр этиш: тузоқлар ва ҳаққоний нашрлар» мавзусидаги амалий семинарлар ўтказилди.

4.2 «Springer Nature» компанияси билан ҳам Ўзбекистонда тузилган миллий обунаси доирасида 2023 йилдан бошлаб 3 йил давомида «Springer Link» халқаро маълумотлар базасидан Ўзбекистоннинг 150та ОТМ ва ИТМларига ресурслардан бепул фойдаланиш имконияти яратилди. Шу билан бирга ресурсларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда техник кўмак доирасида мунтазам онлайн ва офлайн шаклда семинар ҳамда вебинарлар ўтказилмоқда.

Миллий обуна доирасида, жорий йилнинг 22-23 май кунлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда «Springer Nature» компанияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида «Springer Nature» Миллий обунасини 2023 – 2025 йилларга ташкил

этиш» мавзусидаги илмий форум ўтказилди. Форумда SpringerLink илмий маълумотлар базасининг имкониятлари, шунингдек, платформага уланган ОТМ ва ИТМлар ҳамда олим-тадқиқотчиларнинг ноширлик фаолияти бўйича статистик маълумотларга эътибор қаратилди.


Форумнинг давоми сифатида, компания вакиллари томонидан «Ўзбекистонда илмий журналларнинг истиқболли ривожланиши ва журналларни нашр этишнинг янги модели» мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Семинарда мамлакатда фаолият юритаётган илмий журналларни халқаро маълумотлар базаларига индексация қилиш бўйича таклиф-тавсиялар берилди.

Сўнгги йилларда илмий нашрларни фаоллаштириш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакат илм ҳамжамияти томонидан халқаро нуфузли илмий журналлардаги илмий мақолалари сони ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Хусусан, 2018 – 2022 йй. «Web of Science» халқаро базасидаги илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар сони 1352 тага кўпайган ва 2023 йилда 2039тани ташкил этган (2-расм).

2018 – 2022 йй. «Web of Science» халқаро базасида чоп этилган илмий мақолалар сонининг ўсиш кўрсаткичида, 2021 – 2022 йй. бошқа даврларга нисбатан энг юқори ўсиш кузатилган (691тага). Шунингдек, таҳлилларга кўра, 2018 – 2022 йй. энг кўп илмий мақолалар чоп этилган илм-фан йўналишлари аниқланди ва улар ўнталик бўйича гуруҳланди (1-жадвал).

Шу билан бирга, илм ҳамжамиятида муҳим йўналишлардан бири бу, мамлакат олимлари ва тадқиқотчиларининг хориж мутахассислар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожланганлиги ҳисобланади. Хусусан, илм ҳамжамиятида хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда чоп этилган илмий тадқиқот натижалари муҳим кўрсаткичлардан биридир (3-расм).

3-расмдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон олимлари томонидан жаҳоннинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликда илмий мақолалар чоп этишда ижобий кўрсаткичларга эришилган. Хусусан, таҳлил даврида чоп этилган энг кўп илмий мақолалар илм-фан ва инновацион ривожланишда дунёда илғор бўлган мамлакатларга



2-расм. 2018-2022 йй. Ўзбекистон муаллифлари томонидан «Web of Science» халқаро базасида чоп этилган илмий мақолалар сони [4]

тўғри келганлиги мамлакат олимлари томонидан бугунги кунда жаҳонда долзарб бўлган илмий йўналишларда тадқиқотлар амалга ошираётганликларидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишида халқаро илмий нашрлар базаларининг аҳамиятини ёритиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

- Ўзбекистон муаллифлари томонидан «Web of Science» халқаро базасида чоп этилган илмий мақолалар сони, энг кўп илмий



3-расм. 2018-2022 йй. «Web of Science» халқаро базасида Ўзбекистон олимларининг хорижий ҳамкорликда энг кўп чоп этилган илмий мақолалари сони[5]

4 https://www.webofscience.com/wos/woscc/summary/c712b70a-834a-44cf-a5b3-7b82c8c7e202-a01a194e/relevance/1 маълмотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди (25.08.2023 й. ҳолатига)

5 https://www.webofscience.com/wos/woscc/summary/c712b70a-834a-44cf-a5b3-7b82c8c7e202-a01a194e/relevance/1 маълмотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Йўналишлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	Жами
Математика	72	99	139	163	183	656
Клиник неврология	62	76	152	71	14	375
Зарралар физикаси	33	56	53	64	87	293
Материалшунослик	20	48	52	54	96	270
Таълим ва педагогика	17	11	14	11	233	286
Астрономия ва Астрофизика	28	46	44	58	64	240
Атроф муҳит экологияси	14	13	17	64	101	209
Амалий математика	27	51	52	49	43	222
Амалий физика	17	56	44	42	62	221
Фанлараро физика	24	43	39	48	66	220

1-жадвал. 2018-2022 йй. Ўзбекистонда «Web of Science» халқаро базасида энг кўп илмий мақолалар чоп этилган илм-фан йўналишлари[6]

мақолалар чоп этилган илм-фан йўналишлари ҳамда хорижий ҳамкорликда энг кўп чоп этилган илмий мақолалар сони таҳлиллари асосида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармони билан белгиланган мақсадли кўрсаткичлари юқори натижалар билан амалга оширилаётганлиги очиб берилди.

- Ўзбекистонда «Clarivate» ва «Springer Nature» халқаро илмий нашр базалари ва Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тизимли механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади, бунда юқорида кўрсатилган мақсадли кўрсаткичларнинг кейинги йилларда бажарилишининг аниқ прогнозлари ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

- Ўзбекистон муаллифлари томонидан «Web of Science» халқаро базасида илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича хорижий ҳамкорликда илмий мақолаларнинг чоп этилиши натижалари бўйича ОТМ ва ИТМлари томонидан мунтазам рағбатлантириш чора-тадбирларини такомиллаштиришлари мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.: 2022. Б.227.

2. Мирзиёева С.Ш. Анализ опыта Узбекистана по разработке стратегий развития страны и регионов / Управленческое консультирование. №3. 2019. С.50.

3. Акоев М.А., Маркусова В.А., Москалева О.В., Писляков В.В. Руководство по наукометрии: индикаторы развиття науки и технологии, второе издание. Монография. 2014. 250 с.

4. Акоев М.А., Маркусова В.А., Москалева О.В., Писляков В.В. Руководство по наукометрии: индикаторы развиття науки и технологии, второе издание. Монография. 2021. 258 с.

5. Рахматуллаев М.А. Мировые информационные ресурсы. (Методическое пособие). Т.: «Fan va texnologiya». 2017. С.6.

6. Rahmatullaev M.A., G'anieva B.I., Salayeva Y.U. Ilmmetriya asoslari. Monografiya. 2021. 82 b.

7. Global Innovation Index 2021. Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. 14 th Edition. P.226.

8. Глобальный индекс инноваций (ГИИ) – позиция Республики Узбекистан в рейтинге. Министерство инновационного развития Республики Узбекистан. Т. 2020. С.9.

9. https://sfdora.org/about-dora/

10. https://www.abdn.ac.uk/library/support/dora-the-san-francisco-declaration-on-research-assessment-820.php

11. https://sfdora.org/2018/06/27/dora-roadmap-a-two-year-strategic-plan-for-advancing-global-research-assessment-reform-at-the-institutional-national-and-funder-level/

12. https://www.springernature.com/gp/researchers/dora

13. https://www.webofscience.com/wos/woscc/summary/c712b70a-834a-44cf-a5b3-7b82c8c7e202-a01a194e/relevance/1 ■

6 https://www.webofscience.com/wos/woscc/summary/c712b70a-834a-44cf-a5b3-7b82c8c7e202-a01a194e/relevance/1 маълмотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди